



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 21 июл, жума № 104 (936)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг 2000 йил 20 июлда бўлиб ўтган мажлисида Марказий банк лицензиясига эга бўлган айрим корхоналар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарларини импорт қилиш учун марказлаштирилган валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида» 1996 йил 19 ноябрдаги қарори талабларига мувофиқлиги масаласи кўриб чиқилди.

Маъжур қарор талабларига мувофиқ, республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг махсус ишчи гуруҳи ва ваколатли банклар томонидан ўтказилган таҳлил материаллари, лицензияга эга бўлган бир қатор корхоналарнинг истеъмол бозорини кундалик эҳтиёж товарлари билан тўндиришга доир фаолият қоникарисизлигидан, амалдаги савдо тартиби бузилаётганлигидан далолат бераётганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Мажлисда лицензия эгалари бўлган айрим корхоналар раҳбарларининг импорт битимларини ўз вақтида тузиш, истеъмол товарларини олиб келишга масъулиятсиз муносабатда бўлаётганлиги, шунингдек, маъжуд товарларни сотиш ва улардан тушган тушумини белгиланган тартибда инкассация қилишни атайин кечиктириш ҳоллариغا йўл қўяётганлиги қайд этилди.

Оқорида қайд этилганларни инобатга олиб, Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси 47 та корхона ва таъкилотни Марказий банкнинг сўмларни эркин айирбошладиган валютага устувор равишда айирбошлаш ҳуқуқини берувчи лицензиясидан маъжур этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бунда Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ва ваколатли банкларга валюта айирбошлаш учун бериладиган квотадан самарасиз фойдаланаётган корхоналарни лицензиядан маъжур қилиш масалаларини Комиссия муҳокамасига мунтазам равишда киритиб бориш тавсия этилди.

(ЎЗА)



Сўнги йилларда республикаимизда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайди. Қишлоқ жойларида аҳоли қорхоналари иш бошлади. Жумладан, Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссасидаги жамиятида сифатли макрон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳар ойда 50 тонна ана шундай харидоригар маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

моҳир ишчи Дилором Тоғаеванинг (чапдаги суратда) муносиб ҳиссаси бор.

Андижондаги «Нилуфар-Д» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси томонидан тайёрланаётган музқаймоқ ва бошқа неъматлар ҳам халқимизга манзур бўлмоқда. Уларни ўз ишининг устаси Роҳилахон Раҳимов ва сингари фидойилар тайёрлашмоқда.




**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор**

## ЖИЗЗАХ ОДИМИ

**Жиззах - республикамизнинг кенжа вилоятларидан бири. 1973 йил 29 декабрда ташкил топган. Худудда 70 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб келмоқда.**

**Вилоят турли хил фойдали қазилмаларга бой, улар орасида олтин, кумуш, вольфрам, кўрғошин, рух, темир, мрамор, оҳак, ганч, гранит алоҳида ўрин тутади. Табиий иқлим шароити пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик, пилдачилик, мева-сабзавот еттиштириш имконини беради.**

**Мустақиллик йилларида вилоят иқтисодий қудратини мустаҳкамлади. Бунда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика Президенти ва ҳукуматининг томонидан қабул қилинган Фармонлар ва қарорларни бажаришга асосий эътибор қаратилмоқда.**

Биргина ўтган йили ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 56772,4 млн сўмлик етказилди. Бюджетга мажбурий тўловлардан солиқ тушумлари 1992 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайди. Аҳоли иш ҳақлари ошиб, 6133 сўмга етди. Аҳоли пул даромадлари кескин кўпайди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш улуши умумий sanoat маҳсулотлари ҳажмида йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Агар 1991 йилда истеъмол молларининг умумий ҳажмидаги улуши 24,7 фоизни ташкил қилган бўлса, жорий йилда анча ўсишга эришилди. Мустақилликнинг дастлабки йи-

лида вилоятда 40 турдаги истеъмол моллари ишлаб чиқарилган. Бугунга келиб улар сони 100 дан ошиб кетди. Жумладан, ўсимлик ёғи, мева-сабзавот консервлари, алкохолсиз ичимликлар, тухум порошони, ноозиқ-овқат маҳсулотларидан: пайпоқ, трикотаж ва тикув, пойбоз, мебель, чинни, пластмасса идишлар, гилам, бўёқ, гишт кабилар ишлаб чиқарилмоқда. Бу каби ижобий кўрсаткичларга асосан кўп укладли иқтисодийнинг шаклланиши натижасида эришилди.

Айниқса, сўнги йилларда ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадида кўплаб қурилиш иншоотлари ишга туширилди. Мус-

қимлик йилларида ишга туширилган «Жиззах-Тошкент» темир йўли йўналишини электрлаштириш, йилига 29,7 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган Жиззахмебель фабрикаси, Фориш туманида йилга 862 минг тонна оҳак тошини майдалайдиган заводнинг биринчи навбати, Зарбдор туманида 7,9 минг тонна пахта қайта ишлаш, Жиззах шаҳрида йилига 30 минг куб метр керамзит ишлаб чиқариш заводлари, йилига 9,8 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган «Жибри» Ўзбек-Британия кўшама корхонаси муҳим иншоотлар сирасига қиради.

Вилоят-маркази - Жиззах шаҳрида аҳоли учун қўлай бўлган троллейбус тармоғининг йўловчиларга хизмат кўрсатиши, «Ёшлар» форуми, «Саломатлик ва ўзгаллик» маркази, ёпик сузиш ҳавзаси, спорт маъмури, теннис корти, Бахт уйи, маънавият ва маърифат маркази, Асака банки филиали, Жиззах маркет қурилди. Шаҳар марказий ўйингоҳи тўла таъмирланиб, замон талаби асосида жиҳозланди. Футбол мактаби биноси қайта таъмирланди. 175 ўринли иқтидорли болалар, «Умид» лицейлари, 280 ўринли болалар уйи, Халқлар Дўстлиги шох кўчасида «Болалар оромгоҳи» мажмуаси ишга туширилди.

Асосан қишлоқ жойларда ижтимоий объектлар қурилиб ишга туширилиши кувончлидир. Мустақиллик йилларида 56 та қишлоқ врачлик пунктлари, 702 ўринли шифохона, 30 минг ўринли замонавий мактаблар, 22 минг кв.м.дан зиёд савдо ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Айниқса, яқиндагина иш бошлаган 220 ўринли республика шохлиқ тиббий-илмий марказининг Жиззах филиали ишга туширилиши вилоят аҳолисини беҳад қувонтирди.

Вилоятимиз худудидан 1000 км.дан зиёд тоза ичимлик суви, 1838 км. табиий газ қувурларининг тортилиб, ишга туширилиши билан аҳолининг табиий газ билан таъминланиши даражаси истиқлол йилларида 40 фоизга, ичимлик суви билан таъминланиши 30 фоизга ўсди.

Вилоят, туман марказлари, чекка қишлоқларда қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилапти. Мустақиллик байрами арафасида 9 минг ўринли 5 та касб-хунар коллежи, 825 ўринли Академик лицей, Жиззах шаҳрида 150 ўринли «Олимпиада захиралари» коллежи фойдала-

**Турсунбой НИЁЗОВ, Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлими мудири.**

## БЕЛГИЯДА ИБН СИНОГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛДИ

**Тошкент билан Кортрейк ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганига 10 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги Белгиянинг бу шаҳрига буюк мутафаккир бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳайкалини тақдим этди.**

**Ҳайкалнинг очилиш маросинида Белгия ҳукумати, ушбу мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги, Фландрия парламенти, дипломатик корпус вакиллари ва журналистлар иштирок этди.**

Тантанали маросимда сўзга чиққан бургомистр Эммануэл де Бетон Тошкент билан ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этди. Шунингдек, у Кортрейкка тақдим қилинган қимматли совға учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик изҳор этди.

Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов ва Ўзбекистоннинг Белгиядаги элчиси Ш.Ҳамроқулов ўз нутқларида Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти, у қолдирган илмий меросининг инсоният тараққиётида туган ўрни тўғрисида сўзлади. Нотиқлар Ўзбекистон билан Белгиянинг савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги катта аҳамиятга молик эканини қайд этди. Ўзбекистоннинг ислохотларни амалга оширишдаги ютуқлари, мамлакатда юз бераётган иқтисодий ва демократик ўзгаришлар ҳақидаги сўзлар йиғилганлар орасида катта қизиқиш уйғотди.

Фландрия парламенти, шунингдек, шаҳар оқсоқоллари кенгаши Тошкентдан келтирилган дўстона тўхфани юксак қадрлашни билдириб, буюк шарқ мутафаккири ҳайкалининг пойдағи майдон халқлар дўстлиги рамзига айланиб, халқ сайилгоҳи бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ҳайкал очилганидан сўнг Ўзбекистон ва Белгиянинг давлат маъмурияти янгради. Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятидан ташриф буюрган «Момогул» миллий фольклор ансамбли маросим иштирокчиларига қувноқ қуй ва кўшиқлар тўхфа этди.

Айни пайтда ўзбек халқ амалий санъати усталари томонидан ёғоч, сополдан тайёрланган буюмлар, миллий кийимлар, тақинчоқлар, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари меъморий ёдгорликларининг макетлари, шунингдек, уларнинг суратлари ва бошқа тасвирий санъат асарларидан ташкил топган кўргазма маросим иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шуниси диққатга сазоворки, яқинда бу шаҳарда таниқли ўзбек рассомлари Б.Жалолов, Т.Йўлдошев, Б.Бойматов яратган асарларнинг кўргазмалари ҳам муваффақиятли ўтган эди. Улар иқдорининг намуналари бу ерда юқори баҳога сазовор бўлди. Жумладан, Кортрейк концерт зали пештоқини Б.Жалоловнинг рангин панноси беэзаб турибди. У шаҳар раъмларидан бирига айланди. Шунингдек, унинг расмлари шаҳар мэриясига кўрк бағишламоқда.

Шаҳар тадбиркорлари Тошкент билан мустаҳкам савдо алоқаларини ўрнатган. Масалан, Ўзбекистонда Белгиянинг тўқимачилик sanoati ва гилам тўқиш соҳаси бўйича иш юритувчи машҳур «Пиканол» ва «Мишел Ван Девил» компаниялари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Икки томонлама алоқалар тарихинга назар ташлайдиган бўлса, маълумки, 80-йилларнинг охирида Кортрейкка асос солинганнинг 800 йиллигига тайёргарлик кўриш жараёнида, шаҳар маъмурияти хориждаги тўқимачилик sanoati тараққиёт этган шаҳарлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга қарор қилган. Зеро, тўқимачилик Кортрейк иқтисодийнинг асосини ташкил этади. Бундай талабларга жавоб берадиган шаҳарлар қаторида Тошкент биринчилардан бўлиб турган эди.

Ушундан, Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда Белгияда Ўзбекистон маданияти ҳафталиги ўтказилган эди. Ушбу тадбир доирасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиб, икки шаҳар ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди. 1990 йилда эса Кортрейк бургомистри Эммануэл де Бетон жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов бошчилигидаги расмий делегациянинг Кортрейк шаҳрига ташрифи давомида маъжур шаҳар маъмурияти билан музокаралар ўтказилиб, икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боглик масалалар муҳокама қилинди. Натижада ҳамкорлик тўғрисидаги кўшама баённома имзоланди.

Ташриф давомида Кортрейк шаҳрида Абу Али ибн Сино ҳайкалининг очилиши Ўзбекистон билан Белгия ўртасида нафақат савдо-иқтисодий, балки маданий алоқалар изчил ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

(ЎЗА - «Жаҳон»)

## «КИЧКИНА ТАБИЪ»ГА КАТТА МУКОФОТ

Таникли режиссёр Зулфигор Мусоқов номи кино илосомандларига яхши таниш. Унинг фильмлари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам шухрат қозонган. Қуни кеча Кримда яқунланган «Артек» халқаро болалар фильми кинифестивалида унинг ижоди яна бир бор юксак баҳога сазовор бўлди.

Саккизинчи бор ўтказилган бу анжуманда З.Мусоқов «Кичкина табий» фильми билан иштирок этди. Фильмининг режиссёри ва сценарий муаллифи бўлган З.Мусоқов «Эзгу ва замонавий эртақ учун» дипломи билан тақдирланди. Асарнинг бош қаҳрамони образини ижро этган Дилшод Каттабеков эса «Энг яхши бош роль ижроси учун» дипломини қўлга киритди.

Ўзбек аёлининг севинчи дунёдаги энг боқира, энг гўзал севинчидир. Ғаллаоролнинг «Болғали» қишлоғида бир аёл шундай қувончлар оғушида яшайпти. Боси унинг бир умрлик орзу-умидлари бугун рўёбга чиққан. «Туркистон-пресс» муҳбири онахон ҳузурига бориб, унинг шодликларига шерик бўлди.

Хайрулла амаки билан Несибали ая бу қишлоқда қирқ йилдан бери истиқомат қиладилар. Оила бошлиғи бир умр қоровуллик қилди. Дам олиш пайтларида гоҳ далада хотинига ёрдам бериб, гоҳ томоқсидан кун ўтказди. Ун болани тарбиялаб, вовага етказишнинг ўзи бўлмади. Умр қийин кечди. Етар-етмас топган-тутганларини умча-уч қилиб, шундай дорилломон кунларга етиб келганларини ўзлари ҳам билмай қолишди. Қийналган кунларида улар барча орзу-умидларини болаларининг қамоли билан боғлашар, турганда ҳам, ўтирганда ҳам Аллоҳни тилдан қўйишмасди. Мана бугун орзулари амалга ошди: тўрт ўғил, олти қиз ўқиб — улғайишди, ҳозир элнинг олди бўлиб юришибди... Саксонинчи йилларнинг бошлари. Оиладан бирваракайига тўрт бола олдин-кетин олий ўқув юртиларининг талабалари бўлишди.

Баҳор кунларидан бирда уларнинг кўнасида савдогар хотин оралаб қолди. Марғилоннинг ноёб атласидан олиб келганимиш. Аммо пули чақиб оламани, дейди. Қуни-қушилар ўзларига, қизларига, келинларига атлас олишди. Несибали аяга

## «АТЛАС КУЙЛАК КИЙМАГАН ЭДИМ...»

ҳам таклиф қилишди: — Ҳа оғсин, сиз ҳам олмайсизми? Қайси аёлининг атлас олгиси келмайди. Ҳеч бўлмаса манави кичкинтойига бир куйлақлик олиб бермасмиди. Аммо... аёл зўрма-зўракчи қилди: — Тўртта устудентим бор, худо хоҳласа шанба кунни ёпирилиб келишамди... Ана шулар манинг атласларим... — Э-э... ҳозирги ёшлар ота-онанинг қадрини билишармиди! Ҳазинга энг, кийинг, бу умр ўтади-кетди... — Онанинг юраги ортиқди: «Ўғилларим ўқиб, бир кун битта усталининг эгаси бўлса, кейин киярман...»

Вақти соати етиб, ўғил-қизлари ўқишларни битириб келишиб мустақил ҳаёт бошлашди. Ота-оналарига нафақат нон, балки яхши ном ҳам олиб келди улар.

Тўнғичи — Бахтиёр Ғаллаорол паррандачилик акциядорлик жамиятида ветеринар-даволовчи бўлиб ишлаш бошлади. Ҳабибулло ҳаммасидан ошиб тушди. Калининграддаги харбий денгиз ўқув юртига имтиҳон топширди. Ҳозир майор. Юртимиз жанубидаги харбий қисмлардан бирда хизмат қилади. Қизлар шифокор бўлиб етишдилар.

...1993 йилнинг май ойлари эди. Саккиз йилдан буён паррандачилик жамиятида бош врач бўлиб ишлаётган ўғли Бахтиёр раҳбарга ёқмай қолди. Сабаби — айтганини қилмади. Қилса — охири вой бўлиши аниқ эди. Онани берган тарбия билан бошлиқ кўрсатилган йўл орасида ер билан осмонча фарқ бор эди... «Ўғлим, бойликка уч бўлма, эгри бўлдан юрма!» — эсладди ўғил онасининг ўғитини. Ягона, тўғри йўлни танилади, яхши ўз аризасига қўра... — Онасининг тўнғич орзу-умиди кўчада қолди. Энди йигитнинг ҳалоллиги, паррандачилик сирини ипидан игнасигача билгани кимга керак! — Орадан ўтган бўлса уч кун ўтди. Яхши мутахассиснинг ишсиз қолганини эшитган сайхунлик Арслон Баратов бургутдек етиб келди. — Эй жўралар, — деди у паррандабоқарларга учраб, — Бахтиёрни менга топиб бермайсизларми? Ҳа, шундан кетгани ростими? — Рости-ку, аммо... бола ўзига ўзи жабр қилди. Қайсарлиги бор-да... Раҳбарга терс гапириб бўларканми? Бироқ тан олиш керак, ҳалол, билимий йигит. Несибали ая биринчи орзу-умидини

қўзидан ёш билан Арслон аканинг қўлига топширди. Уларни олиб кетаётган анчагина униқиб қолган «фургон» катта йўлга чиққанда, она яна Аллоҳга илтижо қилди: «Эй Худойим, шу боламининг йўлини бер!» Аллоҳнинг ишоти шу бўлса керакки, бу сафар йигитни яхши раҳбарга руборў қилди. 1997 йилнинг ноябр ойида Бахтиёрни «Ўзпаррандасаноат» бирлашмасининг ўша пайтдаги раҳбари Рустам Орифжонов йўқлаб қолди. — Ука, сени ишда ўз услуби бор, ўз фикри билан ишлайдиган йигит, дейишар-япти. Бир синаб кўрмоқчимиз. Ҳазинга туғилиб ўсган Ғаллаоролга қайтсан. У ерда бир вақтлар ўзинг ишлаган паррандачилик жамияти инқирозга юз тутган. Ҳужаки йилни 18 миллион сўм зарар билан яқунлапти. Бу нима, тушми? Йўқ, бу — рўшнолик эди. Ким эди бу ўзи? Бир «қоровул бува»нинг ўғли... — Э, ўша мустақиллики берган отамдан айланай... Камбағалининг боласиям усталга ўтираркан-ку! — Несибали ая ҳамон қулоқларига ишонмасди. Табба, унинг ўғлини ўзи қувғин бўлган жойга раҳбар этиб тайинлашди! «Эй, Аллоҳим, бо-

либ, 5 миллион сўм соф фойда билан чиқилган эди. 1999 йилда тухум еттиштириш режиси 5 миллион донга бўлгани холда эл дастурхонига 10 миллион 835 минг донга тухум тортиқ қилинди, натижада режа 207 фоизга урдаланди, 20 миллион 784 минг соф фойда олинди. — Даромадга қараб буромад», дейилди. Акциядорларнинг ҳар бири 150 минг сўмдан 200 минг сўмгача дивидент олишди. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 15 минг сўмни ташкил қилмоқда. Ҳар кун бериладиган тушлик овқат бу ҳисобга кирмайди. — Сўнги сўз ўрнида эса шунинг айтмоқчиман: бу ютуқларни мен аввало ўғилнинг номига эмас, унинг онаси, қадок қўли менақташ отаси номларига ёзиб қўйган бўлар эдим. Мен Бахтиёрга «Бу ишларни амалга оширишингизда сизга яқиндан тўриб ким ёрдам қўрсатди?» деган савол берганим, у ҳеч иккиланмай, «Онам, аввало онам ёрдам бердилар» дег жавоб қилди. Бу гапдан тўқилганим, Несибали аяни излаб бордик. Оддий, ҳаммамизнинг оналарининг каби муштар, мейрибон ўзбек аёли истиқболимизга қўлиб чиқди. Ишларидан чарчаб келган болаларини бағрини кенг очганча қутиб олди. Ҳазинга қўйрага жой тополмай, қўймайди ун оши тиширди. Хайрлаша туриб эса ортимиздан, «Болаларинг болаларимдай бўлсин» дея дуо қилиб қолди бир вақтлар атлас қуйлак киймаган она...

Ким эдигу ким бўлдик

# ЎЗЛИГИМ - ЎЗБЕКЛИГИМ

Оддий деҳқон фарзандим. Эсимни танибманки, даладаман. Раҳматли отам Идрисхўжа Қодирхўжа ўғли оилада ўғиллардан каттаси бўлганлигим сабаб доимо ёнлариди олиб юриб, деҳқончилик сирларини ўргатар эдилар. Отамнинг болалиги уруш пайтига тўғри келиб, 13 ёшида далага чиқиб ишлаш бошлаган. Ўша пайтда пунктга пахта олиб кетаётди, прицепдан йиқилиб, бели лат еган экан. Ўша сабаб бўлдимки, айна гуркираган 37 ёшида оёқ-қўллари ишламай ётиб қолдилар. Биз беш нафар мактаб ёшидаги фарзандларни, бемор отамни боқиб онамнинг зиммасига тушди. На туман, на хўжалик раҳбарлари отамнинг аҳволидан хабар олмадилар. Уларнинг узоқ йиллик меҳнатлари қадрланмади — арзиманган нафақа белгилашди. Аслида улар хўжалик иши учун фидойи эдилар. Далага эрта кетиб, кеч қайтардилар. Шундай бўлса-да, битта молимиз икита бўлмаган. Отамнинг вафотидан кейин ўзим ҳам ана шундай ишладим.

Бундан икки йил аввал туманда фермерлар олиб бораётган ишларни кўриб, мен ҳам ер олишга аҳд қилдим.

«Улуғбек» жамоа хўжалигидан 10 гектар ер ажратилди. Биринчи йили 3,5 гектар майдондан 33 центнердан буғдой, 6,5 гектар майдондан 29 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олиб, шартнома режаларини бажардим ва яхшигина даромад қилдим. Бу ишда рафикам, укаларим, фарзандларим яқиндан ёрдам беришди. Олган фойдамга соғин сигир, икита от сотиб олдим.

Бу йил 5 гектар майдонга чигит, 5 гектарга буғдой эккан эдим. Яқинда буғдой ҳосилини йиғиштириб олдик. Режадаги ҳосилни давлатга топширдим. Қолгани ўзимизга қолди, омонимиз донга тўлди. Илгарилари режадан ортганини ҳам хўжаликка топширар эдик.

Бу йилги ҳосилдан Худо хоҳласа енгил автомашина, хўжалик учун техника сотиб олмакчиман. Бўлаётган ишларга назар ташлай туриб, отам раҳматининг армон билан айтган сўзларини эслайман: эрта тонгдан то кун ботгунча қадар ишласангу қадринг бўлмаса...

Мана ота-боболаримиз орзу қилган кунларни кўриш бизга насиб этди. Истиқлол қадр-қимматимизни ўрнига қўйди. Ҳақиқий мулк эгаси бўлиб, Президентимизга раҳматлар айтиб аъло кайфиятда яшаймиз, меҳнат қилаймиз.

**Гофурхўжа ҚОДИРОВ,**  
Куйи Чирчиқ тумани, «Саиджалол» фермер хўжалиги раҳбари.



# ИСТИҚЛОЛНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ - МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгашида «Мустақиллик - олий неъмат» мавзюда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Кенгаш аъзолари, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олий таълим тизими, сиёсий партиялар вакиллари ҳамда маҳалла оқсоқоллари иштирок этди.

Анжумани Тошкент шаҳар ҳоқими, Кенгаш расиси К.Тўлаганов бошқарди.

(ЎзА).

## ТҮЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

Жорий йилнинг сентябр ойида Бухорода буюк аллома Абу Али ибн Синонинг 1020 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтади.

Байрам тантанасининг асосий тадбирлари Бухоро шаҳрида ўтказилади. Сўнгра Ибн Сино туғилиб ўсган Пешку туманидаги Афшона қишлоғида етакчи хорижий ва ўзбек олимлари иштирокидаги халқаро анжуман бўлиб ўтади. Ҳозирги пайтда бу ерда тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Қадимий Бухоро ва Афшонани боғлайдиган асосий автомагистрал қайта қурилмақда. Вилоят марказида эса алломанинг номи билан аталган истироҳат боғи, хиёбон, майдон, маданият саройи тартибга келтирилмоқда.

«Ватан» ва «Ватан туйғуси» тушунчалари она сути, муқаддас алла билан инсон қалбига қиради. Меҳр тимсоли бўлиб вужудимиздан жой олаверлади.

Халқ орасида «Етти иқлим кишилари етти хилдир» деган нақл кенг тарқалган. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Одатда, қайси фуқаронинг қайси давлатга ёки миллатга мансублигини унинг юз тузилиши, юриш-туриши, ички ва ташқи дунёси, турмуш тарзи қабиларга қараб ҳам фарқлана билади. Унинг ўз табиий хусусиятлари ва кийим-кечаклари ҳам гувоҳлик бериб туради.

«Ватан» атамаси аслида арабча сўз бўлиб, туғилиб ўсган жой, юрт, иккинчи она маъноларини билдиради. Одатда, «Ватан» сўзи олдида «она» сўзи қўшилиб, «Она-Ватан» деб қўлланилади: Одам эрсанг маъни бил дона-дона, Ватан эрур санга иккинчи она (Анбар Отин, 1870-1917). У тор ва кенг маъноларни ифода қилади. Тор маънода ўзи туғилган оила, ўз уйини ва кенг маънода мустақил Ўзбекистон давлатини англатиб келади. Ҳазрат Навоий ҳам Ватан тушунчасини туғилиб ўсган жой, маскан, манзил, она юрт маъноларида ишлатган.

Ўзбекистон ўз ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатлар вакиллари бираштираган фуқароларга Ватан ҳисобланади. Бу ўринда давлат ва Ватан

айни бир маънони ифода қилади. Ватан деганда, Ўзбекистонни идрок этамиз. Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясида куйидаги аjoyиб мисралар бор:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон, Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон, Оламини маҳлиё айлаган диёр!

Ватан туйғуси — бу,

латиб, боғу роғларга айланган келганлар. Албатта, илгари ҳам, ҳозир ҳам бу жаннатмакон ўлкада бошқа миллат вакиллари қавм-қариндош каби бирга умр гузаронлик қилганлар, ҳозир ҳам шундай. Уларнинг барчаси учун Ўзбекистон она-Ватандир.

Ватан ҳисси — бу унинг эгаси бўлмиш халқни севмоқ, ҳурмат қилмоқ, қадрига этмоқ ва эътироф этмоқ де-

рий каби бобоқалонларимиз илм-фанда юқори чўққиларни эгаллаш учун неча ўнлаб давлатлардаги илм-фан марказларини кезиб чиқдилар. Айниқса, бир оёғи ёғондан бўлган аз-Замашарий учун бу осонликча кечмаганлиги аниқ. Бу ҳам бир қахрамонлик эмасми? Бу икки буюк сиймонинг жаҳоншумул хизматларини бутун дунё билган ва тан олганди. Жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётида «Имом ал-Бухорийнинг тенги дунёда йўқдир», «Аз-Замашарий — худонинг қўшнисини» деб баҳоқиланди. Улар қаерда яшамасинлар, Ватан деб нафас олдилар, ўзлари туғилиб ўсган жойларини, яъни киндик қони тўқилган муқаддас тупроқни бир дақиқа ҳам унутмадилар. Шунинг учун ҳам илм-фанда ғоят юксаликка кўтарилиб, катта иззат-обрўга эга бўлганлари ҳам, она юрти соғинчи билан яшадилар ва ўз ҳаётларининг охирида иккаласи ҳам туғилган она-Ватанига қайтиб келишга қарор қилдилар. Имом ал-Бухорий Бухорога, аз-Замашарий Хоразмга қайтиб келиши ва ўз юртида бу гўзал олам билан хайрлашдилар. Тупроқ тортиб келган деб шунга айтсалар керак-да. Бу халқ иборасидир. Аслини олганда, уларни Ватан соғинчи, Ватан туйғуси олиб келганди.

## Қорақалпоғистон янгиликлари СУРЪАТ ЮҚОРИ

Таълим тўғрисидаги миллий дастурни амалга оширишда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини овул ва қишлоқларда бунёд қилиш — қўзланган мақсадга эришишда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам бу йил Қорақалпоғистоннинг марказдан анча олис 12 та туманида академик лицей ва касб-хунар коллежларини қуриш юксак суръатда олиб борилмақда.

Ана шундай илмгоҳлардан бири Кеғейли туманида барпо этилмақда. 450 нафар йилгит-қизларни ўз қўчоғига оладиган маъруз коллежи мамлакат мустақиллигининг 9 йиллиғига қадар қуриб битказиш режалаштирилган. Шунинг учун Кеғейли агроқурилиш бошқармаси бунёдкорлари уч сменада меҳнат қилаётди. Айниқса, Мурод Отамуродов, Душмурод Бердибеков, Нуриддин Айтминов сингари қўли гул қурувчилар вақтдан ўзиб ишлаш вақти бира, энг юқори сифат кўрсаткичига эришиб ҳам касбдошларига намуна бўлмақда.

Шунингдек, Тўртқўл туманидаги Шураҳон овулидаги касб-хунар коллежи қурилиши ҳам уч сменада меҳнат қилган 700 нафар қурувчилар ўқув биноларини пардозлашга киришдилар.

## ЯНА БИР КОРХОНА

«Кеғейлиматлубот» ҳиссдорлик жамияти ташаббуси билан туман марказида макарон ишлаб чиқарадиган корхона фойдаланишга топширилди. Янги кичик корхонада ҳар кун бир ярим тоннадан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Энг муҳими, зарур озик-овқат сифати ҳамда нисбатан арзонлиги боис миқозларни хушнуд этмоқда.

Корхона жамоаси истеъмолчилар остида ва хоҳишларини эътиборга олиб, маҳсулот ишлаб чиқариши бир неча баърабарттиришни режалаштирилмоқда.

**Абду РАҲМОН,**  
«Ишонч» муҳбири.

# ФАҲРИЯ ВАТАН ИШҚИ

даставвал, уни юракдан ҳис этиш, жону дилдан севиш билан боғлиқдир. Керак бўлса, фарзанд она юрти учун жон фидо қилади, жонидан ҳам кечади. Тарихда бунга мисоллар кўп. Широқ, Алп Эр Тўнга, Мангуберди қабиларнинг Ватан учун қилган кудратли бир эсга олайлик!

Тарихан ўзбеклар ҳозирги минтақада ўтроқ аҳоли сифатида истиқомат қилиб келади. Қисман, улар Сибирий томонларга, Касбий ва Волга бўйларида ҳам тўла ўтроқ бўлмаган ҳолда ҳаёт кечирганлар. Турон замин вақтида ҳам, Туркистон деб юритилганда ҳам, Ўрта Осиё деб аталганда ҳам, ўзбеклар ўзлари яшаб турган ерни гул-

макдир. Ватан бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Шoirимиз айтганидек. «Ўзбекистон — Ватаним маним», абадул абад шундай бўлиб қолаверди, унинг умри боқийдир. Бунинг учун ана шу муқаддас Ватанга чин юракдан хизмат қилиш, бу йўлда фидойилик кўрсатиш ва садоқатли бўлиш барча ақлли фарзандларнинг бурчидир.

Она заминимизда қанчадан-қанча афсонавий қахрамонлар, ватанпарварлар тарихда ўчмас из қолдирганлар, ахир. Улар она-Ватан деб, Ватан туйғуси деб жон фидо қилдилар, жонларидан воз кечишга ҳам тайёр турдилар. Айтайлик, Имом ал-Бухорий, Махмуд аз-Замаша-

ри қабри бобоқалонларимиз илм-фанда юқори чўққиларни эгаллаш учун неча ўнлаб давлатлардаги илм-фан марказларини кезиб чиқдилар. Айниқса, бир оёғи ёғондан бўлган аз-Замашарий учун бу осонликча кечмаганлиги аниқ. Бу ҳам бир қахрамонлик эмасми? Бу икки буюк сиймонинг жаҳоншумул хизматларини бутун дунё билган ва тан олганди. Жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётида «Имом ал-Бухорийнинг тенги дунёда йўқдир», «Аз-Замашарий — худонинг қўшнисини» деб баҳоқиланди. Улар қаерда яшамасинлар, Ватан деб нафас олдилар, ўзлари туғилиб ўсган жойларини, яъни киндик қони тўқилган муқаддас тупроқни бир дақиқа ҳам унутмадилар. Шунинг учун ҳам илм-фанда ғоят юксаликка кўтарилиб, катта иззат-обрўга эга бўлганлари ҳам, она юрти соғинчи билан яшадилар ва ўз ҳаётларининг охирида иккаласи ҳам туғилган она-Ватанига қайтиб келишга қарор қилдилар. Имом ал-Бухорий Бухорога, аз-Замашарий Хоразмга қайтиб келиши ва ўз юртида бу гўзал олам билан хайрлашдилар. Тупроқ тортиб келган деб шунга айтсалар керак-да. Бу халқ иборасидир. Аслини олганда, уларни Ватан соғинчи, Ватан туйғуси олиб келганди.

**Назир РАҲАБОВ,**  
профессор.

## БАХТЛИ ОИЛА

Мулка эгалик ҳиссининг қарор топиши кўплаб оилаларимизга қут-баракат олиб кирди. Бунга Термиз тумани «Халқобод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Сафарбой Раззоқов бошчилик қилаётган фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар ўз қарамқорларидаги 207 бош қорамолни меҳр билан парвартириб, йилга ўрта ҳисобда 15 тонна гўшт етиштиришмоқда. Мулкдорлар бу йил паррандачилик ва ўрдақчиликни ҳам ривожлантиришга бел боғладилар. Натижада даромад сезиларли даражада ортди.

**Суратларда: бахтли оила ҳаётидан лавҳалар.**  
**Д.ҲАМРОҚУЛОВ** олган суратлар.



## Қатағон жабрини тортганлар

Баъзан кимлар биландир салом-алик қиламиз, бир дастурхондан туз тотамиз, тўю-маърақаларда ёнма-ён тураемиз, аммо қалбидан нима бор, ички дунёси қандайлигини билмаймиз.

Яқинда Ҳакимжон Жўрабевни Исфохон даҳасидаги қойхонада кўриб қолдим. Бир четда ёлғиз ўзи ўтирганлиги сабаб, бефарқ ўтиб кета олмадим. Бориб сўрашдим. Фотиҳа қилдик. Унинг юз-кўзларидан менга ниманидир айтмоқчи бўлиб тараддулланганлигини сездим.

— Мени табриклар, ука, отамнинг қабрларини топдим. Еруғ жаҳонда олтимиш етти йил яшаётган бўлсам, шундан олтимиш йилни шу кунни кутиб ўтказдим, — у чўнтагидан рўмолча чиқариб кўзларидан ёшларни арди-да, яна такрорлади. — Олтимиш йил оз мудат эмас, биродар. Ҳам армон, ҳам кўрүк билан яшадим шунча вақт.

Бошим қотди. Отасининг қайси қабрини айтди? Урушга кетиб қайтиб келмаган экан-да?.. Ёки сургун қилинганмикан?

— Украинага бордингизми? Октябрь тўнтарисидан кейин ўзига тўқ ўзбекларнинг кўнчилигини ўша ёқларга бад-дарга қилишган, дейишди.

Ҳакимжон ака дастлаб хайрон бўлгандек менга тикилиб қолди. Кейин аввалги кайфиятда:

— Падари бузрукворимизнинг — у кишининг исмлари Охундада эди — охириги манзиллари Тошкентда экан. Телевизорни кўрмадингизми? «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди. Неча кунки аянғиз билан шундай савоб ишга кўл урганликларни учун Юртбошимиз ҳақларига дуо қиламиз. Биз, «халқ душманининг боласи» деган ёрлик остида эзилб ўсганлар, хавотирда яшаганларнинг кўксига ҳам офтоб тегадиган кун келаркан-ку деб шукроналар айтмайми.

Очғи, шу кунгача Ҳакимжон аканинг кимлигини, қандай инсон фарзанди

новча, оқ юзли, чиройли киши бўлганлиги, миллик кўтарган солдатлар олиб кетишгаётганларида мени даст кўтариб, мангайимдан ўлганлари, онам рўмолларини юзларига босиб йиғлаганлари эсимда қолган.

Ҳакимжон ака чуқур ўйга толди. Сўнг оғир тин олди-да, ич-ичидан келаётган ҳўрсиниқни босиб давом этди.

— «Халқ душмани»нинг боласи бўлиб яшаш қанчалик мушкул бўлганлигини фақат бундай кунлар бошига тушган одамгина англайди. Ишонасизми, бешинчи синф боласининг қай даражада

қатланиб кетаркан. Шундай бўлгач, қайси айби учун қатағон қилишди — жавоб тополмайман. Ана уй дарвозаси олдига уч-тўрт арава келиб тўхтади. Чарм камзул кийиб, қўлига семиз папка ушлаб олган киши милтиқни аскарлар ҳамроҳлигида кириб келди ва Равзахонга ўшқирди:

— Эрингиз халқ душмани бўлганлиги сабабдан уйингиз ва мол-мулкнингиз давлат ихтиёрига ўтди. Болангизнинг ва ўзингизнинг зарур энгил-бошларингизни йиғиштириб, дарҳол чиқиб кетинг.

Саргардонлик, қуфату камситишлар ана шундан кейин бошланди. Равзахонни бирон хойга, ҳатто фаррошиликка ҳам ишга олишмади. Яхшики, бахтларига ота-онаси ва акалари бор. Оч қолишмади, яланғоч қолишмади, аммо Охундадан бошқа қўришмади, ўлик-тириклик ҳақида дарак топишмади.

Сарсонгарчилик, камситишлар шу билан тугамади. Отаси милиция хизматида бўлмагани, Ҳакимжоннинг болаликдан орузи шу эди. Тошкент милиция мактабига ҳужжатларини топшириганида оилавий аҳволларини сурштиришди, ўрин тўлганлигини баҳона қилиб ҳужжатини қўлига тутқазди.

Охири Бешбўғдаги савдо мактабига ўқишга кирди. Ётоҳонага жойлашди.

— Ундан кейинги ҳаёт ҳам бир текис кетмади, — дейди Ҳакимжон Жўрабев.

— Ўқишни битиргач, Наманганга қайтдим. Мени шаҳар савдо идорасига қарашли дўкон сотувчилигига қўйишди. Йўл-йўлакай техникумнинг сиртки бўлимида ҳам таҳсил олдим. Бироқ раҳбарлик ишларига яқинлаштиришмади. Қайси лавозимга тайинлаётган бўлишмасин, тегишли жойлардан ҳужжатларини қайтиб келарди. Қаерда ишламайин «фавқулодда» тафтишлар билан фақат мени босишарди. Охири устма-уст текширишлардан зерикдим ва Темир йўл ишчи таъминоти бўлимига ўтиб кетдим. Гарчи падари бузрукворим Охундада Жўрабев устидан кўзга тилган жиний иш тўхтатилганлиги, унинг тамоман оқланганлиги юзасидан Республика Прокуратураси, сўнг Олий Сўддан тегишли ҳужжатлар келган бўлса-да, барибир, шубҳа остида яшардик.

Ҳакимжон ака пиёладаги совуған чойни хўпларкан, сўхбатимизга яқун ясагандек деди:

Саккиз нафар фарзандим, ўттизга яқин набирам бор. Ўзбекистонимиз Мустақилликка эришиб, биз каби қатағон захрини тортганлар кўрағига ҳам офтоб теги. Илоҳо, бизнинг бошимизга тушган кўргилиқлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

## ЧИҒИРИҚ

эканлигини билмай юрганлигимдан, жи-жолат бўлдим. Ҳакимжон ака қўрда-қўрда бўлганлигимдан уйига бошлади. Лекин «Эски савдо ходими»нинг уйи мен тасаввур қилганидан ҳам офтоб тегадиган кун келаркан-ку деб шукроналар айтмайми.

— Отам ҳақида батафсилроқ маълумот беришга охирига, — деди бир неча сарғайган қорғоз бўлақларини менга тутқазаркан, мезбон. — Ушанда уч-тўрт ёшлардаги бола эканман. Бироқ отамнинг

**Саволларингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг Бош ҳуқуқшуноси Карим МУХТОРОВ жавоб беради**

**Савол:** Биз ишлаётган билим юрти янги мактадagi касб-хунар коллежга айлантирилиши муносабати билан раҳбаримиз томонидан 2000 йил 1 июлдан ишдан бўшатишимиз мумкинлиги тўғрисида 8 июнда огоҳлантириш хати олдик.

**Маъмурият кўрсатилган вақтда бизларни штатлар қисқариши муносабати билан вазирамиздан озод қилишга ҳақлими?**

**Ўқитувчилар номидан Н.Бобоев:** Шаҳрисабз шаҳри.



маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт.

**Жавоб:** Қонуннинг устуворлигини ва унинг барчага баробар эканлигини ҳар бир шахс, қайси лавозимда ишлашдан қатъи назар, билишлиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 102-моддасига асосан иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан, яъни Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди билан бекор қилинганда ходим камиди икки ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантирилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ икки ойлик огоҳлантириш мuddати пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Огоҳлантириш мuddати давомида ходимга иш қидириш учун ҳафтада бир кун яъни шу кун учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади. Бу кунни иш берувчининг ўзи белгилайди.

Шу сабабли иш берувчи огоҳлантириш хатида ходимга бўш ўринларни тақлиф қилади. Лозим топса, икки ойлик огоҳлантириш мuddатини пуллик компенсация билан алмаштириш ва ҳафтанинг қайси куни ишга чиқмаслиги мумкинлигини кўрсатиб ўтади.

Булардан ташқари, иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш, эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камиди икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси кўмитасига ахборот тақдим этиши ва ишдан бўшатиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Шунингдек, иш берувчи камиди икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, маълумоти ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги

га иккинчи ой учун ўртача иш ҳақи охириги иш жойидан тўланади.

Шунингдек, ходим учинчи ой давомида ҳам ишга жойлаша олмаган тақдирда маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан у учинчи ой учун ҳам охириги иш жойидан ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади. Албатта, бунда ҳам ходим томонидан маъмуриятга кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар — ариза, паспорт ва меҳнат дафтари ҳисоби тақдим қилиниши керак.

Шундай қилиб, ишдан бўшатишнинг мuddатини оғирроқ қилиш бўлган вақтга охириги иш жойидан ҳақ тўланмайди. Бундай ходимларни Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни асосида маҳаллий меҳнат органи томонидан ишга жойлаштириш чоралари кўрилади.

аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққандан кейин эллик олти календар кун мuddат билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилади, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганлигидан қатъи назар, аёлга тўлиқ берилади. Кўрсатиб ўтилган таътилар тугагандан сўнг аёлнинг аризасига мувофиқ унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил берилади. Бу ҳақни тўлаш 1998 йил 8 июлда тасдиқланган ва 1998 йил 4 сентябрдаги 489-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган Низом орқали амалга оширилади.

Аёлга, унинг аризасига муво-

берувчи ишдан бўшатишнинг ҳодимнинг турар жойига меҳнат дафтари ҳисобини олиб кетиш тўғрисида алоқа бўлими орқали хат жўнатиши керак эди. Лекин бу талаблар ҳам бажарилмаган.

Сиз ҳам ўз навбатида қонунчиликка тўлиқ риоя қилмагансиз. Бола тарбияси билан боғлиқ бўлган таътилларни ўз вақтида расмийлаштирмагансиз, ўз ҳуқуқингиз бузилганлигини 1999 йилда билган бўлсангиз ҳам ариза билан ҳеч қачонга мурожаат қилмагансиз. Меҳнат Кодексининг 270-моддасига асосан Сиз бу масалалар бўйича судга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Савол:** Соғлиқни сақлаш муассасаларида ёшга доир пенсияга чиққан тиббиёт ходимлари ишлашади. 70 ва 80 ёшлари қоралаб қолган тиббиёт ходимлари жарроҳлик қилишади (умумий жарроҳ, аёллар жарроҳи, кўз касалликлари жарроҳи ва бошқалар).

**Уларнинг кўзлари яхши кўрмаслиги, кўзларининг калтириши ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.**

**Шунинг учун бу ҳурматли жарроҳларни жарроҳлик ишлари билан боғлиқ бўлмаган ишларга ўтказиш ёки уларни лавозимидан озод қилиш мумкинми?**

**Ш.Убайдуллаева, шифокор, Тошкент шаҳри.**

**Жавоб:** Ҳа, тўғри. Соғлиқни сақлаш муассасаларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган, 70 ва 80 ёшлардаги жарроҳлар ҳам ишлашади.

Ходимларни бошқа доимий ишга ўтказиш учун Меҳнат Кодексининг 92-моддаси талабларига кўра, ходимнинг розилиги олиниши керак. Агар ходим ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши муносабати билан бошқа ишга ўтказилса, бу ноқонуний ҳисобланади ва ваколатли органлар томонидан ходимнинг аризасига биноан у ўз иш жойига тикланади, унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўланади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ва ўша кундан эътиборан амалга қиртилган Конституциянинг 37-моддасига асосан ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартлоқларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Шундай экан, ҳар бир ходим унинг ёшидан (15 ёшдан юқориси) қатъи назар меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадир.

1993 йилнинг июл ойигача Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексининг 41-моддаси 1(1)-бандида

ходим пенсия ёшига етиб, қариллик пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда

пенсия ёшига етганлик маъмуриятнинг ташаббуси билан уни ишдан бўшатиш учун умумий асос сифатида белгиланган эди.

Асосий сифатлар билан унинг ҳисобини олиб кетиш тўғрисида алоқа бўлими орқали хат жўнатиши керак эди. Лекин бу талаблар ҳам бажарилмаган.

Сиз ҳам ўз навбатида қонунчиликка тўлиқ риоя қилмагансиз. Бола тарбияси билан боғлиқ бўлган таътилларни ўз вақтида расмийлаштирмагансиз, ўз ҳуқуқингиз бузилганлигини 1999 йилда билган бўлсангиз ҳам ариза билан ҳеч қачонга мурожаат қилмагансиз. Меҳнат Кодексининг 270-моддасига асосан Сиз бу масалалар бўйича судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Демак, ходимни у ёшга доир тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши муносабати билан лавозимидан озод қилишга йўл қўйилмайди. Шу сабабли ҳам ҳозир амалда бўлган Меҳнат Кодексига ходим ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши муносабати билан вазирамиздан озод қилиш тўғрисида ҳеч қандай модда йўқ.

Албатта, бу ёши улуг жарроҳлар ўз вазирасини тўлиқ бажара олмаётганликларини аввало ўзлари тушуниб етишлари ва ёш, истеъдодли ходимларга ишлашлари учун йўл очиб беришлари ҳамда ўзлари маслаҳатчи, ўқитувчи бўлиб ишлашлари мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, барча муассаса раҳбарлари Меҳнат Кодексининг 214-моддаси талабларини тўлиқ бажаришмайди. Бу моддага биноан иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан олтимиш ёшга тўлган эркакларни, эллик беш ёшга тўлган аёлларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

Кўрсатиб ўтилган ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилганда улар эгаллаб турган лавозимга нолайиқ деб топилса, уларни Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 1 қисмининг 2-банди билан, яъни соғлиги ҳолатига кўра бажарётган ишга нолайиқ деган асосда иш берувчи ишдан бўшатиши мумкин.

Агарда юқорида кўрсатиб ўтилган ёшдаги жарроҳ тиббий кўрикдан ўтказилмаган бўлса ҳамда у ўз вазирасининг бажариши натижасида беморга зарар етказса ёки оғир оқибатларга олиб келса, жарроҳ билан бирга иш берувчи ҳам жавобгар бўлади.

Бу тушунтириш фақат жарроҳларга эмас, балки барча муассаса ходимларига ҳам тегишлидир.

**ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА**



**Савол:** Мен 1984 йил тиббиёт билим юртини тамомлаб, Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонасига ҳамшира лавозимига ишга кирдим. 1987 йил 28 июлда биринчи фарзандим, 1988 йили иккинчи фарзандим дунёга келди. Болаларнинг тарбияси билан банд бўлиб уларни парваришлаш учун бериладиган таътиллари ўз вақтида расмийлаштирилмади. 1999 йил 15 майда эса бешинчи фарзандим туғилди. Ишхонада ходимлар иши билан шугулланувчи мутахассис ишдан бўшатишнинг муносабати билан меҳнат дафтари ҳам архивга топширилганлигини айтди. Шу қонунийми?

**Севара КЎШОҚОВА, Тошкент шаҳри.**

**Жавоб:** Саволингиздан кўриб турибдики, 1988 йил 15 майдан 1999 йилгача, яъни 10 йил давомида, 5 фарзандли бўлгансиз.

Меҳнат Кодексининг 233, 234-моддалари талабларига биноан

фиқ боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган кўшимча таътил ҳам берилади. Меҳнат Кодексининг 237-моддасига асосан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан (МКнинг 100-моддаси) бекор қилишга йўл қўйилмайди. Муассасанинг бутунлай тугатилишида ходим билан тузилган меҳнат шартномаси уни ишга жойлаштириш шартин билан бекор қилинади. Аёл ўз ташаббуси билан ҳомиладорлиги ва уч ёшгача бўлган боласи бор ёки йўқлигидан қатъи назар иш берувчининг икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириб, бўшаб кетишга ҳақли. Лекин Сиз ишдан бўшаб тўғрисида ариза ёзмагансиз. Сизни беш боланинг онаси бўлган ҳолда ишдан бўшатишганда ҳали болангиз уч ёшга тўлмаган бўлган. Демак, ишдан қонунга хилоф тарзда бўшатишгансиз.

Булардан ташқари, Меҳнат дафтарида унинг юртиш тўғрисидаги йўриқномага асосан иш

**ИШ ВАҚТИ**

**Хурматли тахрират!** Ҳуқуқий маслаҳатхонада иш вақти ҳақида кенг тушуنча берсангиз бизга яқиндан ёрдам берган бўлардингиз. **И.АЛИКУЛОВ, И.БАРНОЕВ, Навоий шаҳри.**

Ушбу масалаларда Меҳнат Кодексининг VII бобда атрофлича тушунча берилган. Хусусан, 114-моддада таъкидланишича, ходим иш тартиби ёки графикага ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазибаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

**115-модда. Иш вақтининг нормал мuddати**  
Ходим учун иш вақтининг ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг мuddати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобла олиш жорий қилинган тақдирда ушбу Кодекснинг 123-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

**116-модда. Иш вақтининг қисқартирилган мuddати**

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиги ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазибаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзига солатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмадан, иш вақтининг қисқартирилган мuddати белгиланади. Иш вақтининг қисқартирилган мuddати қуйидагилар учун белгиланади: ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар (242-модда); I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар (220-модданнинг учинчи қисми); ноқулай меҳнат шартлоқларида ишларда банд бўлган ходимлар (117-модда); алоҳида тусга эга бўлган ходимлар (118-модда);

уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланмайдиган муассасалар ва ташкилотларда ишлайётган аёллар (228-модда). (Иккинчи қисми олтинчи хат бошиси Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрел Қонуни билан тўлдирилди — ушбу Қонун 1999 йил

1 июлдан қучга қиради). **117-модда. Ноқулай меҳнат шартлоқларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган мuddати**

Иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган мuddати меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади.

Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг графика мuddати тармоқ (тариф) келишувларида, жаммо шартномаларида белгилаб қўйилади, агар улар тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб олингандан кейин белгиланади.

Меҳнат шартини ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг мuddати чегараси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

**118-модда. Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган мuddати**

Юқори даражадаги хис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг мuddати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай ходимларнинг рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ мuddати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

**119-модда. Тўлиқсиз иш вақти**

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш кунни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи ушбу Кодексда (229-модда), шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт. Тўлиқсиз иш вақти шартин билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилнинг мuddатини, меҳнат стажини ҳисоблашнинг ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

**Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради**

**Савол:** II гуруҳ ногирониман. Турмушга чиқмаганман. Оилам йўқ. Ёлғиз ўзим яшайман. «Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 28-модда «е» бандида қайд этилган имтиёзлардан фойдаланишим мумкинми?

**Ш.ШАРИПОВА, Урганч шаҳри.**



**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси «е» бандида II гуруҳ ёлғиз ногиронларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди устама ҳақ берилиши назарда тутилган. Ушбу устама ҳақ ёлғиз ногиронларга, Қонун бўйича уларни боқишга мажбур бўлган қариндошлари бўлмаган II гуруҳ ногиронларига берилади.

28-модданнинг «е» бандида кўрсатилган қўшимчани қўшишда Ўзбекистон Республикасининг «Оила Кодекс»ида баён этилган қоидалар таътиб қўрилиши керак. Чунончи, шу Кодекснинг 122-моддасида вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз шахсларга таъминот бериш мажбурияти белгиланган бўлса, 117-моддасида эса эр-хотиннинг бир-бирига таъминот бериш мажбурият-

Кодекси» моддаларида баён этилган қоидалар таътиб қўрилиши керак.

**Савол:** Қишлоқ хўжалиги шартлоқларида ишлаб, болани 2 ёшгача тарбиялаш учун таътилга чиққан аёлларга нафақа қай тартибларда тўланиши ҳамда қаердан берилиши ҳақида тушунча берсангиз. **Г.СОБИРОВА, Нарпай тумани, «Самарқанд» жамоа хўжалиги.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги 2177-сонли «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонида асосан 1999 йил 1 мартдан 2 ёшгача боласи бор ишламайдиган аёлларга болани парваришлаш учун нафақа ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла кўмиталари томонидан тайинланади ва тўланади. Демак, Сиз ҳозирги даврда ҳеч қаерда ишламаётган бўлсангиз, ўзингиз яшаб турган жойдаги ўзини ўзи бошқариш органлари таъинланади ва тўланади. Демак, Сиз ҳозирги даврда ҳеч қаерда ишламаётган бўлсангиз, ўзингиз яшаб турган жойдаги ўзини бошқариш органлари ҳеч қандай эътирозларсиз тақдим этилган ҳужжатлар асосида фарзандингиз 2 ёшга тўлгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоиз миқдориди нафақа тайинлаш шарт.

Қўшимча қилиб шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 15 февралда 635-сон билан рўйхатдан ўтган «2 ёшгача боласи бор ишламайдиган аёлларга болани парваришлаш учун бериладиган нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби» тўғрисидаги Низомнинг 3-қисмига мувофиқ ушбу нафақанинг миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизидан иборат.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг айби билан болани 2 ёшгача парваришлаш учун берилмай қолган нафақаларини улар ушбу ўтган давр учун мuddатсиз олишлари мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган нафақа маҳаллий бюджет ҳисобидан тўланади. Демак, Сиз ҳозирги вақтда ишламаётган бўлсангиз, туман молия бўлимига ёки олдин ишлаган жамоа хўжалигига ҳам мурожаат қилмай ўзингиз яшаб турган жойдаги ўзини ўзи бошқариш органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этсангиз kif-фоя.

1. Бола парваришлаш нафақасини тайинлаш учун ариза.

2. Боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

3. Меҳнат дафтаридаги қонундан кўчирма.

**Саҳифани Дилором АЛЛАКУЛОВА тайёрлади.**

# ЭЛ НЕТИВ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

*Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлиг нишони бас, Жунун тоши синук бошим уза куш ошиёни бас.*

*Дамингни асра, эй Исоки, ранжим дафъига ҳар кун, Физо ул ой қиличи захмининг бир қатра қони бас.*

*Сену ҳайвон суйи, эй Хизр, тутқил тарки жонимким, Манга ёр оллида ўлмак ҳаёти жоиводий бас.*

*Шаху иззат саририким, агар будур жаҳон жоҳи, Манга идбор куйида мазаллат хоқдони бас.*

*Ғанио кўнглида пинҳон дирам фикрию ишқ ўти Менинг кўнглимда куйдиргон неча доғи ниҳоний бас.*

*Санга кавсар суйио лаҳни Довудийки, дайр ичра Муганний нағмаси бирла манга жоми мугоний бас.*

*Ҳаводис дафъига шах қўк ҳисори узра гар чиксун, Ки фақр аҳли учун дайри фано дорул-амони бас.*

*Фигонким, лутфу қаҳрига тавофут йўқки ҳам англаб Фано аҳлига жаврин қилмади бу дайри фаноний бас.*

*Навоийдек ўлар ҳолинда деманг хуру жаннатни, Сизинг барчаки бу оворага бир кўрмак они бас.*

Маълумки, инсон фарзанди учун дунёда хурликдан олий саодат йўқ. Шеърятдаги энг гўзал ҳиссиётлар хурлик завқи эҳтиёждан ёки хурлик ҳолатларида туғилган. Инсон нима учун комил бўлиши мақсад қилиб белгилаган? Нима учун у тинимсиз равишда комиллик йўлида ранж ва заҳмат чекиб келади? Бунинг жавоби битта: тўла маънода эркин бўлиш учун. Фикрда, ишда, яшада хурликни қўлга киритиш — комилликнинг тамали ани шу. Баланлар-возроқ эшитилса ҳам айтиш керакики, эркинлик йўли - маъно ва маънавият, ҳақиқат ва руҳоният йўли. Фақат хурлик маслағига соҳиб одамгина Оллоҳ амру фармоишларини тўғри англаш ва Ҳақни ботилдан ажратишга қодирдир. Эркинлик чиройли гап эмас, балки амалий тажриба эрур. Азизуддин Насафийнинг таъкидлаб ёзишича, «Хур бўлиш комил инсон саккиз нарсасида мукамалликка эришмоғи лозим. Булар: Яхши сўз, болғи (балогатли) фикр, тўғри фаолият, гўзал ахлоқ, маърифат, тарк салоҳияти, узлат, қаноат ва ҳомул (мажхуллик)дир. Ана шу саккиз унсурни ўзида мукамаллаштирган киши комил ва озода, етук ва хурдир». Оқдид кўринган бу саккиз «унсур»нинг биринчисидеҳ одам ўзининг ожизлиги, ахлоқ ва фаолиятда албатта ноқилликка ён беришни намойиш қилади. Демак, хурлик деганда, энг аввало, фикр салоҳияти, ахлоқ гўзаллиги, тўғри амал ва маърифат даражаси назарда тутилмоғи шарт. Зеро, маърифатсиз, фикр-савияси паст кимсанинг хурликка талпиниши хосиятсиздир. Бизнинг онг ва қалб ҳаётимиздаги кўп ожизликлар эрк масаласини беҳад тор англашимизга бориб тақалади. Алишер Навоийнинг ҳар бир газалида шундай маҳдудликка қарши ботиний исён бор. Навоий кўп газалларида хурликнинг туб моҳиятига таяниб фикр билдиради, хурлик маслағи шакланган лирик «Мен»нинг сўз ва ҳолатларини кутилмаган тимсол, ташбиҳ, мажозларда тасвирлайди. «Бадойиё ул-бидоё» девонидеги «Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлиг нишони бас», мисраси билан бошланадиган тўққиз байтга газал ҳам улғу санъаткорининг худди шундай ўқшларидан бири. Унинг илк байтини ўқшданок сезгир шеърхон гап нима ҳақиқалиги, нима учун шоир заиф вужудига «мажнунлуг нишони» ўлароқ айнан «кийик чарми» хусусида ўйлаётганлигини осон илғайди. Зеро, кийик - тўла маънодаги эркинлик тисмоли. Шу боис ҳам «кийик чарми» заррача бўлсин, «Мажнунлиг нишони»га монелик қилмайди.

Мажнун - жунун калимасидан пайдо бўлган. Жунун эса, аслида яшириниш, беркиниш демак. Тасаввуфда илоҳий ишқдан сармаст бўлиш, ақлу хушдан бегоналик ҳолига Жунун дейилган. Жунун камоли - ишқ ва эркинлик камоли. Ҳеч бир давр ва замонда жамият жунун камолини қувватламаган, қувватлаши мумкин ҳам эмас. Чунки «Жунун тоши синук бошим уза куш ошиёни бас», деган даражага кўтарилган кишининг бу орзуси аҳли жамият учун тушункисиздир.

Ҳамма замонларда ҳам оддий одамлар жамоаси кенлини эмас, эришишни, узлатни эмас, ҳамжихатликни, мутлақ хурликни эмас, ўзаро боғлиқликни маъқуллайди. Бундан хур ва озода бўла олиш, чинакамига хур ва эркин яшаш ҳаммининг ҳам қисматиға битилмаганлигини олдиндан билиш керак. Юнус Эмро бир шеърда «Ичимда бир Мен бордир, «Мен»дан ичкари» - дейди. Аслида ҳақиқий ишқ ва хурлик соҳиб бўлишдан юксак кўтарилган ана шу «Мен»дир. Навоий бошқа бир газалида:

да хур ва озода бўла олиш, чинакамига хур ва эркин яшаш ҳаммининг ҳам қисматиға битилмаганлигини олдиндан билиш керак. Юнус Эмро бир шеърда «Ичимда бир Мен бордир, «Мен»дан ичкари» - дейди. Аслида ҳақиқий ишқ ва хурлик соҳиб бўлишдан юксак кўтарилган ана шу «Мен»дир. Навоий бошқа бир газалида:

*Танимга чоклар очти, не айб, агар ўлсам, Ки руҳ булбулининг лойики эмас бу қафас.*

деганида худди ўша «ичкари»даги «Мен»нинг ҳукмини ифодалаган. Бу «Мен» ҳамма нарсасида бошқача қарайди, ҳамма нарсани мутлақо ўзгача кенгликларда идрок айлайди. Масалан, унинг нурга муносабатини олайлик. Кўзнинг нури кўради, бироқ кўрсатмайди. Ой, қуёш, юлдуз ёки оловнинг нури кўрсатади, аммо кўрмайди. Фақат Ҳақ Таолонинг нури ҳам кўради, ҳам кўрсатади. Куйидаги байтлардаги мурожаатларда шундай ҳақиқат яшириндир:

*Дамингни асра, эй Исоки, ранжим дафъига ҳар кун, Физо ул ой қиличи захмининг бир қатра қони бас.*

## «КИЙИК ЧАРМИ ЗАИФ ЭГНИМГА...» (Бир газал шарҳи)



*Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.*

Маълумки, Исо Рухиллоҳ ўзининг нафаси билан ўликини ҳам тирилтирган. Газал қаҳрамони эса Исо дами - нафасини гўё назарга илмайди. Яъни, «Менинг ранжим шифоси учун маъшуқам қиличи захмининг қатра қони кифоя», дейди. Навбатдаги байт маъноси ҳам шунга ўхшаш:

*Сену ҳайвон суйи, эй Хизр, тутқил тарки жонимким, Манга ёр оллида ўлмак ҳаёти жоиводий бас.*

Бундоқ қаралганда, Хизрга насиб этган оби ҳаёт - абадий тириклик учун наҳд нарса. Навоий тасвиридаги ошиқда бунга ҳам иштиёқ йўқ. У ҳаёти жоиводийга ўлим орқали эришмоқчи. Ёр олдидаги бу «ўлим» ҳам поклик, ҳам вафо, ҳам руҳи равшан этгувчи маърифий тириклик мазмунига эга. Бунда бошқа ҳақиқат ҳам бор, албатта. Хизрининг олами - олами висол эрур. Ва истилоҳи суфияда Хизр баст (ёлворис, риход)дан киноят эрур. Ушбу газал алоҳида диққатга молик қаноат ва тарк туйғуси билан битилган. Шу боис унда кўпчиликка унча қизиғи йўқ бирор нарса учун кўпчиликни қизиқтирувчи иккинчи бир нарса инкор этилиб борилади. Шохлик тахти ва иззати кимни ўзига жалб қилмайди, дейсиз? Жаҳоннинг катта амал ва баланд мартабаларига очик кўз ила қарай олган, хурликнинг афзалликларини тўғри баҳолашга қодир киши, ҳеч шубҳасизки, газал қаҳрамонининг «Агар жаҳоннинг амалу мансаблари шу бўлса, менга бахтсизлик кўйида

хорлик хоқдони бас», дейишига асло эътироз билдирмайди:

*Шаху иззат саририким, агар будур жаҳон жоҳи, Манга идбор куйида мазаллат хоқдони бас.*

Ошиқ кўнгли - холис кўнгли. Холислиги шундаки, унда ишқдан ўзга ҳеч бир нарса ўрин топмайди. Чунки ошиқнинг бойлиги ҳам, давлати ва салтанати ҳам ишқдир. Ғаниликда эса бундай бирлик бўлмайди. Истанг-истаманг, «дирам фикри»дан фориг бўлиш мушкулдир. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтайлик. Моддий бойликнинг ўз-ўзича ҳеч қандай зарарли жойи йўқ. Лекин бойликка ҳавасдан - хирс, хирсдан ҳасрат туғилиши мукаррардир. Ҳамма гап мана шу кулфатдан ўзини муҳофаза эта олишда. Мол-давлатга қул бўлмаган одам дунё-парастлик хирсига берилмайди. Навоий кўнглидаги «доғи ниҳоний»ни софлик, воҳид мақсаддан чалғимаслик мазмунда талқин этиб, дейди:

*Ғанио кўнглида пинҳон дирам фикрию ишқ ўти, Менинг кўнглимда куйдиргон неча доғи ниҳоний бас.*

Тасаввуф одоби бўйича тарки дунё қилган киши тарки уқбога ҳам эришмоғи лозим. Жаннат ҳаёлидан йироқлик ўз-ўзидан воқе бўлмайди. Балки дийдортаблик эҳтиёжини ифодалайди. Ва солиқ бутун борлиги ила «Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил парвардигор», дея ёлворади.

Нақл қилинишича, Ҳазрати Довуд куй чалиб, кўшиқ айтганда энг хушвоз кушлар унинг елкасига келиб кўнишаркан. «Лаҳни Довудий» - Довуд нағмаси Довуд пайгамбар куй ва кўшиқларининг бениҳоя гўзал ва таъсирбахшлигига ишоратдир. «Дайр» инсоният олами. «Жоми мугоний» - ориф ва авлиёлар жоми. Навоий навбатдаги байтда «Эй жаннатпараст, кавсар суви ҳам, жаннат эшигини очувчи лаҳни Довудий ҳам сенга бўлсин, менга ҳаёт гулшани ичра муганний оҳанглирию орифу авлиёлар суҳбатидан файз етса бас», деган фикрни илгари сурган:

*Санга кавсар суйио лаҳни Довудийки, дайр ичра, Муганний нағмаси бирла манга жоми мугоний бас.*

Шоҳ ва фақир тазоди мумтоз адабиётимиз учун бир анъанага айланган. Бунда шохлик салтанатидан фақрлик салтанати ҳамиша устун қўйилади. Фақр икки маънони акс эттиради: биринчиси — камбағаллик, йўқсиллик, бойликка муҳтожлик. Иккинчиси — инсоннинг ҳар жиҳатдан Оллоҳга эҳтиёжмандлик сезиши. Шу маънода кўп мол-давлатга эга кишилар ҳам фақир дейилади. «Рисолаи Қушайрий»да ёзилишича, фақр авлиённинг шиори, асфиённинг (соф кишиларнинг) зийнати ва Ҳақ дўстларининг хислати эрур. Шу боис Ҳақ халқин фақирлар воситасида кўрур. Фақрликнинг хурмати ва барокатидан халқу халойиқнинг ризқини оширади. Фақир — барча ёмон феъллардан қутулиб, яхши хислатлар ила ганийлашганлиги учун фано ҳолига содиқдир. Навоий шундай фикр-қарашларга асосланиб фақру фаноликни улғулайди:

*Ҳаводис дафъига шах қўк ҳисори узра гар чиксун, Ки фақр аҳли учун дайр фано дорул-амони бас.*

Фақир билан сўзлашганда, севги ва муҳаббат тили билан сўзлашмоқ керак. Чунки фақир ишқни Оллоҳга восил этадиган бош ва дахлсиз йўл ҳисоблайди. У фано филлоҳ мақомига кўтарилгач, ўзини дунёвий ва урвоний бир борлик сифатида кўрмайди. Ана шунда у «Хуру жаннат» орзусини ҳаёлга ҳам келтирмайдиган даражада маънан юксалади. Навоий кавсар суви билан бошланган фикрни гўё хулосалаб газал мақтасида ҳар нарсасдан Ҳақ жамолини устун кўришни таъкидлайди:

*Навоийдек ўлар ҳолинда десанг хуру жаннатни Сизинг барчаки бу оворага бир кўрмак они бас.*

Тасаввуфда ўткинчи дунё ва дунё билан алоқадор ҳар қандай тобеликлардан қутулиб маънавий хурриятга етишган кишига Озода дейилган. Мукхтасар таҳлил этганимиз газалда ҳам Ҳазрат Навоий Озода шах фикр-қарашларини акс эттирган. Биз хурлик ва эркинлик тушунчаларининг асл моҳияти ва талабларини пухта билишимиз учун бундай газалларга қайта-қайта мурожаат этишимиз зарурдир.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**  
филология фанлари доктори.

## Касаба уюшма спорти

**Алоқачилар республика спартакиадасини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги хайъати ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмита раёсатининг қўшма Низоми тасдиқланган. Унга мувофиқ ушбу спартакиаданинг биринчи босқичи алоқа корхоналарида, иккинчи босқичи Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар алоқа корхоналари ўртасида ўтказилган эди. Яқинда иккинчи босқичи голибарчи Тошкент Алоқа коллежи спорт мажмуида яқиний босқич баҳсларида куч синашдилар.**

чи, қашқадарёликлар учинчи ўринларни эгалладилар. Аёллар ўртасидаги волейбол мусобақаларида биринчи ўрин Самарқанд вилояти жамоасига насиб этди. Эстафета беллашуварларида эса қорақалпоғистонликларга омад кулиб боқди.

## АЛОҚАЧИЛАР ҚИЗГИН БАҲСЛАРДА

Унда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва пойтахт алоқа корхоналарининг жамоалари мини футбол, волейбол (аёллар ўртасида) ва 4 спорт турини ўз ичига олган эстафета мусобақалари бўйича беллашдилар. Айтганча, спартакиадани намунали ўтказиш мақсадида алоқа корхоналари томонидан 2 миллион сўмдан ортқ маблағ ажратилди. Мусобақаларда 200 нафардан зиёд алоқа ходимлари ва уларнинг 9 ёшдан 12 ёшгача бўлган фарзандлари иштирок этдилар, - деди биз билан суҳбатда тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Тоҳиржон Назаржонов. - Намойиш этилган иштиёқ, эҷчиллик ва чаққонлик, жисмоний тайёргарлик барчани қувонтирди. Спорт соғлом авлодни вояга етказишда катта ўрин тутшига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Футбол мусобақаларида Бухоро вилояти жамоаси пешқадамлик қилди. Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари иккин-

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти жамоаси голиб деб топилди. Қорақалпоғистонлик алоқачилар иккинчи, Наманган вилояти жамоаси учинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Голиб ва совриндорларга касаба уюшмасининг диплом, фахрий ёрликлари ва қиммат-баҳо совғалари топширилди.

**Муҳаббат УРМОНБЕКОВА,**  
«Ишонч» муҳбири.

\* \* \*

Хоразм вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси ва касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти «Соғлом авлод йили»га бағишлаб спартакиада ўтказди. Волейбол, стол тенниси, шахмат беллашуварлари ҳамда оилавий мусобақаларда вилоятдаги деярли барча тиббиёт муассасалари ходимлари иштирок этдилар.

Умумкоманда ҳисобида Урганч туман марказий шифохонаси биринчи, Шовот туман шифокорлари иккинчи ўринни эгалладилар. Хонка туман марказий шифохонаси спортчилари эса учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлдилар.

## «СОҒЛОМ АВЛОД — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ»

«Соғлом авлод учун» жамғармаси Республика Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда «Соғлом авлод» дастури доирасида ўтказган телерадио шундай номланди. «Туркистон-пресс» муҳбири жамғарманинг Тошкент шаҳар марказидан олган маълумотига кўра, телерадиофонддан кўзланган асосий мақсад юртимизда соғлом ҳаёт тарзи, шунингдек, ҳар томонлама ривожланган комил инсон тарбиясини тарғиб қилиш ва бу борадаги давлат дастурини тўла амалга ошириш учун моддий неғиз яратишдан иборатдир.

## Ифтихор

Халқимизнинг бебаҳо мероси бўлган ўзбек кураши бугун чин маънода миллатимиз фахру ифтихориға айланди. Афонавий Алпомиш юртининг мард ва танти фарзандлари — алпомишкелбат паҳлавонларимиз жаҳон майдонларида ўзбек курашининг бугун сеҳру жозибасини намойиш этиб, унинг ихлосмандлари сонини тобора кўпайтирмақдалар. Қўлга киритилган ютуқлар, галабалар эса беихтиёр кўзга қувонч ёшларини келтиради. Қувонмай бўладими, ахир? Зотан, ўтган қисқа вақт мобайлида кураш ватани — юртимизда Халқаро кураш Ассоциацияси иш бошлади, ўнлаб хорижий мамлакатларда миллий кураш федерациялари тузилди. Мамлакатлар ва қитъалар биринчиликлари зўр


## ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

муваффақият билан ўтказилди. «Кураш», «ҳалол», «ғирром», «дакки» каби қатор ўзбекча сўзлар чет элликлар тилида жарангдор янграмоқда. Ҳатто кураш узоқ Африка қитъасининг чекка ўлкаларини ҳам забт этди... Гўзал Анталыяда бўлиб ўтган кураш бўйича Иккинчи жаҳон чемпионати эса кўнгилларни яна-да гурур ва фахр-ифтихор туйғуларини билан тўлдирди. Зеро, 30 мамлакат вакиллари ҳамда 19 та давлат кузатувчилари иштирок этган биринчиликда икки ўзбек паҳлавони — 73 килограмм вазн тоифасида Маҳтумқули Маҳмудов ва 90 килограмм вазнда Баҳром Авазовлар барча босқич беллашуварларида рақибларидан устун келиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Мазкур чемпионатнинг яна бир катта ютуғи шуки, унда хотин-қизларнинг ҳам иштироки таъминланди.

73 килограмм вазнлилар ўртасида кечган қизгин баҳслар финалида Маҳтумқули Маҳмудов Болгария вакили Георгий Андонга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Туркиялик Бектош Демирел ва венгриялик Браин Аджуз ҳам шохсўпага кўтарилдилар. 90 килограммлар ўртасида эса ҳамюртимиш Баҳром Авазов ҳал қилувчи баҳсда словакиялик Антон Манарек устидан голиб келган бўлса, туркманстонлик Шўхрат Оллоқулов ва англиялик Сам Дилихой совриндорлар сафидан жой олишди.

Мутлоқ вазн тоифасида ўзбекистонлик кураш ихлосмандларига яхши таниш спортчи, дзюдо бўйича Европа чемпиони Селим Татар ўғли ҳамда аёллар ўртасида 63 килограмм вазн тоифасида яна бир туркиялик полвон, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Иликнур Кобаш биринчиликнинг олтин медалларига сазовор бўлдилар. Шунингдек, Павел Малаванец (Польша), Георгий Танков (Болгария), Кирпал Сингх (Хиндистон), Алисия Назаренко (Туркманистон), Эйнат Ярон (Исроил), Мошико Тотоми (Япония)лар ҳам биринчилик медаллари билан тақдирландилар.

**Зулфия БЕКТЕМИРОВА,**  
Мурод ҒОҒУРОВ.



**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**СИДНЕЙ ОЛДИДАН ЖИДДИЙ СИНОВ**  
Москвада ўтказилган халқаро турнир Россия, Украина, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг 50 нафар чарм қўлоқ усталари учун Сиднейдаги Олимпиада ўйинларидан олдин жиддий синов бўлди. Мусобақаларнинг 12 вазн тоифасида ўтказилиши беллашуварларнинг «тўлиқ дастур бўйича» ўтишини таъминлади, яъни ҳар бир босқич иккитадан жонга иштирок этди. Москвадаги мусобақалар доирасида бошқа шунга ўхшаш тур-

нирлардан фарқли равишда яна иккита одатдан ташқари раунд ўтказилди - унда голиблар ва мағлублар ўзаро куч синашди. Жами 12 медаллар тўплами ўйналган мусобақада Сиднейга йўлланма олган спортчилардан иборат Россия терма жамоаси 6 олтин, Қозоғистон - 3, Украина - 1, ўзбекистонликлар 2 та олтин медални қўлга киритди. Уларга Мухаммадқодир Абдуллаев ва Шерзод Хусанов сазовор бўлди.

Финалгача етиб борган ҳамюртларимиз Сергей Михайлов ва Рафқат Эралиевнинг жароҳат олиши натижасида мусобақаларни давом эттира олмагани терма жамоамизнинг режаларига ўзгартириш киритди. Олимпиадасига йўлланмани қўлга киритган 10 нафар боксчимиз тайёргарлик машқуларини аввал Чимёнда, сўнгра 6-20 август кунлари Алўшта курорт шаҳрида давом эттиради.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гуноҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланди. Объект усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотушда эркин нархда.  
«Шарк» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 21.00